



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 3 февраль, шанба • №10 (11.295)

Эркин нархда сотилади

## БУЮК ЭЛНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИ

Абдумўмин ва Муҳаббат Абдумавлоновлар бугун ҳар қанча қувонсалар, фахрлансалар арзийди. Чунки, уларнинг нафақат мўмин-қобил, балки мард ва жасур фарзандлари ота-онаси, ҳамқишлоқлари, ҳамюртлари, қолаверса, она-Ватанларини бутун дунёга танитдилар



**БЕКОБОД** туманининг чекка бир қишлоғидаги бу кичик хонадоннинг, бу оддий оиланинг шундай дориломон кунлар келиб, жаҳонга танилишини ким ҳам ўйлаб кўрибди, дейсиз. Айниқса, ўша шўролар замони бўлганида, бундай шон-шўхратлар буюк империянинг баҳайбат кўланкаси остида қолиб кетиб, Ўзбекистон томонларга, ҳатто, шамоли ҳам етиб келмаслиги аниқ эди. Мустақилликнинг шарофатини қарангки, бугунги кунда Ўзбекистон халқи нимогоаки эришса, фуқароларимиздан кимки қандай оламшумул иш қилса, фақат во фақат мустақил Ватанимизни улугламоқда, уни дунёга янада кенгроқ танитмоқда, обрў ва нуфузини оширмоқда.

Уч оға-ини спортчилар – Аъзам, Фарруҳ, Парвиз Абдумавлоновлар она-Юрт тузини оқлаётган ана шундай фарзандлардан. Яна ҳам ажабланарлиси, тўғрироғи, қувонарлиси шуки, улар ҳали жуда ёш. Тўнғич полвон Аъзам 13, ўртанча полвон Фарруҳ 11, кенжа полвон Парвиз 8 ёшда. Манаман деган катта ёшдаги каратэчилар ҳам уларга ҳавас қилсалар арзийди. Каратэчилар-

нинг ҳар бири алоҳида тўплаган медаллар шодасининг ўзи кўзни қамаштиради. Учаловиникини кўшса-ку, эҳ-ҳе...

Энг кўп медал Фарруҳда – 30та! Шундан 20таси – олтин. Аъзамнинг 25 медалидан 17таси, Парвизнинг 19та медалидан 11таси – олтин. Кўпи жаҳон, Европа ва Осиё биринчиликлари ҳамда нуфузли халқаро мусобақаларда қўлга киритилган. Биргина мисол: фақат Фарруҳнинг ўзи 2000 йилда Венгрия ва Шотландияда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда 5та олтин ва 2та кумуш медалини қўлга киритди. Дарвоқе, шу пайтгача бирор каратэчига насиб этмаган омад ҳам Фарруҳга кулиб боққан. У 1998 йили, каратэ билан шуғуллана бошлаганига эндигина бир ярим ой бўлганда, Самарқандда ўтказилган Осиё биринчилигида қатношиб, бир йўла икки – олтин ва кумуш медал соҳиби бўлди...

Муҳтаром Юртбошимиз орзу қилганларидек, Ўзбекистоннинг буюк келажagini мана шундай ватанпарвар, фидойи ёшлар барпо этади. Зеро, Президентимиз «Комолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда таъкидлаган замонамиз қаҳрамонлари, замонамиз ёшла-

ри, муносиб ворисларимиз шулар эмасми!

Айтиш жоизки, бекободлик ёш полвонларнинг отаси Абдумўмин Абдумавлонов ўзининг кўп йиллик сазъ-ҳаракати билан ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашдек хайрли ишга салмоқли ҳисса қўшиб келаятган фидойи инсонлардандир. «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, республика каратэ федерацияси аъзоси бўлган А. Абдумавлонов нофақат ўз фарзандлари, балки туман қишлоқларидаги юзлаб иқтидорли болалар бошини қовуштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтирмоқда...

Маҳалламиздаги йиғинда бир мўйсафиднинг шу оға-ини полвонлар ҳақида тўлқинланиб гапирган сўзларини эшитдим: «Оллоҳ назар қилган оила экан, барака топишсин». Шунда, беихтиёр менинг ҳам кўнглимдан бир гап кечди: «Оллоҳнинг назари тушган ушбу хонадонни, унинг соҳибу соҳибасини, қобил фарзандларини Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин».

Самад йўлдош.

СУРАТДА: бахтиёр она – Муҳаббат Абдумавлонова фарзандлари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## Бугунги сонда:

**3-бет** Оллоҳнинг назари тушган еримиз бор. Ана шу асосий бойлигимизни кўз қорачиғидай асраш, авайлаш, келажак авлодларга шундайлигича қолдириш нафақат олиму мутахассис, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.



## «ЎЗАВТО-ТЕХХИЗМАТ»НИНГ ВИЛОЯТДАГИ БОШ ВАКИЛИ

«ЎздЭУавто» бу йил уч хил русумдаги 51400та автомобиль ишлаб чиқарилган бўлди. Уларнинг 20 мингтаси экспорт қилинса, қолганлари ўзимизда сотилади. Шулардан 2 ярим мингга яқинини вилоятимизда сотиш режалаштирилган.



## 8-бет СОЗАНДА

Созанда торларга қўл теккизибди. Торлар ҳазин куйлай бошлабди. Куй авжига чиқиб, сувлар оқишдан тўхтаган, шаббода эсмай қўйган, қушлар нафасини ичига ютган палла, Жон оҳиста Одам Атонинг танасидан жой олибди.





Ўқув-машғулот

# РАҲБАРЛАРДАН ТАЛАБ КАТТА

Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент Давлат Аграр университетида вилоят кишлоқ хўжалик корхоналари (жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари) раҳбарларининг ўқув-машғулоти давом этмоқда

**РАҲБАРЛАРНИНГ ўқув дастури муҳим ижтимоий-сиёсий масала — «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзусидан бошланди. Бу бежиз эмас, албатта. Кишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар раҳбар кадрлардан юксак малака, лозим даражада илм-билим талаб қилади. Каттами-кичикми, ҳар бир раҳбар етарлича ижтимоий-сиёсий билимга эга бўлмаса, ўзига топширилган жамоани бошқаролмайди, ишни тўғри ташкил этолмайди, пировардида хўжаликни инқирозга олиб келади.**

Навбатдаги машғулоти юқоридаги масалани давом эттириш ва янада тўлдиришга хизмат қилди, дейиш мумкин. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш баркамол авлодни тарбиялаш гаровидир» мавзусидаги маърузалар тингловчиларда катта кизиқиш уйғотди. Тушлик та-

ра ва савол-жавоб тарзида ўр кизиқиш билан муҳокама қилинди.

Ўқув-машғулоти иккинчи кунда асосий эътибор ширкат хўжаликлари фаолиятига қаратилди. Чунки, ҳозир бутун республикада жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш жараёни қизғин кечмоқда. Бу муҳим тадбирда сусткашликка йўл қўйиб

бўлмаганидек, шовма-шошарлик ва палапартишлик билан иш тутиш ҳам наф келтириш ўрнига зарар етказиши мумкин. Шу боис ширкат хўжаликлари фаолиятини «Кишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунга мослиги, пайчиларга дивиденд ажратиш ва тўлаш тартиби, оила пудратини ташкил этиш, чек тизимини жорий қилиш, хўжаликларда ички шартнома муносабатлари ва уларнинг бажарилиши масалаларини тингловчилар катта кизиқиш ва манфаатдорлик билан муҳокама қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида кўриб чиқилган фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалдаги қонунларга мослиги масаласи мунозара ва савол-жавобларга, айниқса бой бўлди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ушбу муҳокамалар давомида ўзларини қийнаб келаётган кўпгина муаммоларнинг ечими юзасидан керакли маълумотлар олганликларини шубҳасиздир.

Раҳбар кадрларнинг ўқув машғулоти 7 февралгача давом этади.

**Ўз мухбиримиз. СУРАТЛАРДА: ўқув машғулоти ларида лавҳалар.**

**Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.**



наффусдан сўнг шу мавзу муҳокамаси давом эттирилиб, «Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш» масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, ислохотлар жараёнида маҳсулот етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ҳамда кишлоқ хўжалигида сугурта тизимини жорий этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақидаги маърузалар тингланб, муноза-



**Вилоятимиз ҳудудида истиқомат қилаётган ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ёрдамга муҳтож кишилар ижтимоий ҳимоялаш Тошкент вилоят Қизил Ярим ой жамияти кенгаши фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Бу борада кенгаш томонидан бир қатор хайрли, савобли тадбирлар амалга оширилди.**

Меҳр-мурувват ишларини янада такомиллаштириш мақсадида яқинда Тошкент вилояти ҳокимининг хайр-эҳсон йиғиш ўн кунлигини ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шу асосда кун кеча Ангрен шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият саройида вилоят марафони ўтди. Улкан қошона савобли ният — атрофидагиларга, эҳтиёжмандларга яхшилик қилмоқ, кишиларга ҳеч бир таъмасиз эзгулик улашишни дилига жо қилган олиҳиммат инсонлар билан гавжум бўлди. Барча шаҳар ва туманлардаги турли корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари, савобли ишдан четда қолишни хоҳламаган са-

хийқалб кишилар бу ерга ташриф буюрдилар.

Қизил Ярим ой жамияти кенгашининг раиси Муфараҳ Каримова марафон иштирокчиларига кейинги йиллар мобайнида вилоятимизда амалга оширилган ишлар, тушаётган хайрия-эҳсон-

лар энг муҳтожларга етиб боришини таъминлаш режалари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Меҳр-мурувватли, раҳм-шафқатли халқимиз, — деди раис. — Йиқилганларни суяш, етимлар бошини силаш, ёлғиз кексалар, ногиронлар, фавқулодда вазият туфайли бошига кулфат тушганларга ёрдам қўлини чўзиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир. Сизларнинг бугунги

барчани бундай мурувват кўрсатишга қақирдилар. Уларнинг ўзлари ўртак кўрсатиб, эҳсон кутисига ўз улушларини қўшдилар.

Йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бирин-кетин саҳнага кўтарилдилар. Жумладан, «Ангреннон» корхонаси раҳбари жамият ҳисобига 50 минг сўм, «Оҳангароннон» — 50 минг сўм, Ангрендаги 9-шахта жамоаси ҳам

**Тадбир**

эти. Ангрен шаҳрилик бадий хаваскорлар, маданият саройи ҳузуридаги «Шанс» гуруҳи қатнашчилари ҳам кун давомида хайрия тадбири иштирокчилари хизматида бўлдилар.

Хайр-эҳсон ўн кунлиги шу билан тугагани йўқ. У вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида мунтазам давом этмоқда. Шу кун бу ерга келолмаган кўплаб кишилар ўз мурувватларини кўрсатиб, эзгу ишни давом эттирмоқдалар. Зеро, савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак.

**Зулҳумор ЖўРАЕВА.**

**ТАХРИРИЯТДАН:** Тошкент вилоят Қизил Ярим ой жамияти кенгашининг ҳисоб рақмини эслатиб ўтамиз:

**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон акциядорлик уй-жой жамғарма банки Меҳнат бўлими**  
 Ҳ/р 20212000900101740001  
 МҲО 00423 ИНН 200896787  
**Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Тошкент вилоят кенгаши.**

**Янгилик**

## ҲАР ЧОРАКДА ЧОП ЭТИЛАДИ

**Мустақилликка эришилгандан кейин миллий санъатимиз ва маданиятимиз ўз ривожига янги юксак босқичга кўтарилиб, жаҳонга юз тутди.**

Шу боис олимларимизнинг бадий маданиятимизни янада чуқурроқ урганиш борасидаги илмий тадқиқотларини, янгиликларни оммалаштириш замон талабига айланди. Ўзбекистон Бадий академияси бунга эътиборга олиб, 2001 йилдан бошлаб ҳар чоракда илмий-таҳлилий ахборот тарзида «Ахборотнома» чоп этишга қарор қилди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институ-

тида мазкур нашрнинг илк сони тақдими бўлиб ўтди. Унда чоп этилган мақолалар театр, рақс ва цирк санъати, шу йўналишдаги бошқа санъат турлари муаммоларига бағишланган. Кейинги сонларда тасвирий ва амалий-безак санъати, санъат тарихи ва қадимшунослик, меъморлик, мусиқа, кино ва телевидение, маданиятшунослик масалалари кенг ёритилиши мўлжалланган.

**Анжуман**

## ДИНИЙ МЕРОС ВА ҚАДРИЯТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ислоҳ ва замонавий жамият» мавзусида икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Туркия каби давлатлардан ҳам вакиллар иштирок этдилар.**

АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбет кириш сўзи билан очган бу анжуманда Ислоҳ таълимоти ва бой илмий меросини урганишнинг аҳамияти, дунёвий жамиятда диний қадрият-

ларнинг ўрни ҳақида сўз борди. Қатнашчилар таълим муассасаларида динга алоқадор илмлар ўқитилиши борасида хорижий давлатлар тажрибаларини урганиш билан боғлиқ кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар.

**Фахр**

## ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ МАШҲУР СПОРТЧИЛАРИ

**Давлат ҳисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси «Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг машҳур спортчилари» рўйхатини эълон қилди.**

Мазкур рўйхатни жаҳон ва кўп қарра Европа чемпиони - баскетболчи Рафиля Салимова бошлаб беради. Унинг ортидан XX Олимпиада ўйинлари чемпиони Алжан Жармухамедов ва XXУ Олимпиада ўйинлари чемпиони Елена Торникиду урин олган. Эркин кураш бўйича машҳур полвонлар орасида XXУ Олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори Артур Таймазов, шунингдек, XXІУ Олимпиада ўйинлари ва кўпқарра жаҳон чемпионлари Арсен Фадзаев ва Махарбек Хадарцев биринчи деб эълон қилинди. Юнон-рум кураши бўйича XX асрнинг машҳур спортчиси унво-

нига Рустам Қазақов сазовор бўлди. Энг катта гуруҳни боксчилар — XXУІ Олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Артур Григорян, XXУІ Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндорлари Сергей Михайлов ва Рустам Саидов, жаҳон чемпиони, XXІ Олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори Руфат Рисқиев, XXУІ Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Карим Тулаганов ташкил этди. Рўйхатдан яна спортнинг ҳар хил турлари бўйича энг яхши натижаларга эришган кўплаб спортчилар урин олишган.

# МЕҲР-МУРУВВАТ КУНЛАРИ

хайр-эҳсонларингиз ҳам ана шундай муҳтожлар учун катта мадад бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, марафон бошланishi олдидан сўзга чиққан бошқа нотиклар ҳам ғарибу мискинлар кўнглини олиш энг олий фазилат эканлигини таъкидлаб,

100 минг сўм, Юкоричирчиқ туманидаги йўл қурилиши маҳсулотлари ва ускуналари ишлаб чиқариш корхонаси 70 минг сўм хайрия қилганликларини билдирдилар.

Меҳр-мурувват байрами эрта тонгдан то кечга қадар давом

эти.

эти.



## Muammo, mulohaza, taklif

**МАЪЛУМКИ, мухтарам Президентимиз катта-кичик йиғинларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғи устувор бўлган мамлакат эканлигини, бинобарин, туб иқтисодий ислохотларни, аввало, шу тармоқда кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб келадилар. Шу билан бирга қишлоқдаги ислохотлар жуда суст кечаётгани, кутилган самараларни бермаётгани хусусида кўп бор куюниб сўзлаш баробарида, бунинг асл сабабларини очиб бериб, янги-янги йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Аммо афсуски, ислохотлар ҳамон сустлигича қолаёпти. Қишлоқ хўжалигида юксалиш сезилмаяпти. Буни куйидаги ҳолатда ҳам яққол кўриш мумкин. Тараққий этган мамлакатларда пахтадан барқарор 40-60 центнердан, галлада 70-80 центнердан ҳосил олиняпти. Бизда эса пахта 25 центнердан, галла 30 центнердан ошмаяпти. Бунинг устига пахта етиштириш режалари йил сайин барбод бўлаяпти.**

**Бунинг асосий сабаблари нимада? Ислохотларнинг жадаллашуви ва чуқурлашуви нимага тўсик бўлаяпти? Уларни кўтариб ташлаб, жадал олга силжиш учун яна қандай чоратadbирларни кўриш лозим?**

**Биз бугунги кунимиз учун энг долзарб бўлган ана шу саволлар билан тупроқшунослик, алмашлаб экиш соҳалари бўйича етук мутахассис олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Курбон РОЗИКОВГА мурожаат этдик.**

— АЙТГАНИНГИЗДЕК, масала ҳақиқатан ҳам жуда долзарб ва жиддий, шу билан бирга мураккаб ҳам. Зеро, гап мамлакатнинг иқтисодий равнақи ва халқимизнинг турмуш фаровонлиги ҳақида бораяпти.

Бизда қишлоқ хўжалигини ислох қилишни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилувчи бир қатор қонунлар, қарор ва фармонлар эълон қилинди, уларнинг ҳаётий аҳамияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Аммо қонуний ҳужжатлар ҳар қанча халқчил ва инсонпарварлик руҳида бўлмасин, улар амалда яхши ишламаса давлатга, жамиятга нафи бўлмайди. Афсуски, бизда ана шу қишлоқ хўжалиги оид қонунлар яхши ишламаяпти.

Гап шундаки, охириги етмиш беш йиллик тарихимиз даврида мамлакатимиздаги бошқа ҳамма фанлардан фарқли ўлароқ деҳқончилик илмида икки йўналиш кузатилди. Бири — қалбакилик, иккинчиси — табиийлик. Ана шу йўналишларнинг биринчиси, яъни илмдаги қалбакилик кўп ҳолларда устувор бўлиб келди ва ўйламанки, ҳамон устунлик қилмоқда.

Хуллас, йиллар давомида экин майдонларига (демалса, ерга) нисбатан истеъмолчилик муносабатида бўлиб, яъни тупроқнинг экологик соғломлиги, дондорлиги, унумдорлиги ҳақида қайғурмай келингани сабабли бизда ҳосилдорлик ҳамон пастлигича қолаёпти. Ачинарлиси шундаки, кўпгина туман ва хўжаликларда, ҳатто, пасайиб бораёпти.

— **Айтишларича, қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган мамлакатларда асосан тупроққа ишлов бериш билан илмий асосда шугулланишаркан. Яъни йил давомида ердан тупроқ намунасини олиб, лаборатория йўли билан текшириб бориларкан ва таркибда экинлар учун керак бўладиган барча зарурий моддаларнинг меъёрида бўлиши таъминлаб туриларкан.**

— Аслида деҳқончилик илмининг асоси шу. Йил-ўн икки ой ернинг ҳолати ўрганилади, тўдириб борилади. Чунки, ҳар бир экин тупроқ таркибдаги ўзига керакли моддаларини истеъмол қилади. Хорижда қайси далага қандай экин экиш лозимлиги тупроқнинг таркибига қараб белгиланади.

Бизда-чи? Белгиланган экин экилади, кейин режадаги ҳосилни олиш учун экинга кимёвий ўғитни тиқиштиришга зўр берилди. Ваҳоланки, ерга сурункасига бир хил экин экавериш ҳосилдорликнинг табиий йўсинда камайиб кетишига олиб келади. Ҳарқанча кимёвий ўғит берманг, барибир ҳосил бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, бу экин шу далалардаги ўзига керакли бор озуқа турларини олиб бўлган.

Тупроқ унумдорлигини маромида сақлаб туришнинг асосан икки усули мавжуд. Биринчиси ерга керагича гўнг солиш бўлса, иккинчиси алмашлаб экишни илмий асосда тўла жорий этишдир.

— **О, қанийди тупроқни «ер малҳами» билан соғломлаштиришнинг илоҳи бўлса. Афсуски, бугунги кунда гўнг жуда тақчил бўлиб кетди. Унинг захиралари тупроқни соғломлаштириш ва унумдор қилиш учун етмайди...**

— Бу фикр ўринли. Айтилик, пахта экиладиган майдонларда тупроқ унумдор-

лигини бир зайдда ушлаб туриш учун йилга гектарига 30 тонна гўнг солиб турилиши лозим. Ана шунда ҳосилдорлик барқарор, толанинг сифати талаб даражасида бўлади. Аммо кўп йиллик илмий-амалий тажрибалар жараёнида аниқланган бу қонуний бугунги кунда фақат назарий аҳамиятга эга ҳолос. Чунки ҳозирги даврда республикамизда мавжуд органик ўғитлар ресурслари гектар ҳисобига 1-1,5 тоннадан ошмайди.

Хулоса шуки, органик ўғит меъёридан 20-30 баравар кам бўлганлиги сабабли ҳозирча қишлоқ хўжалиги экин майдонларида тупроқ унумдорлигини унинг ҳисобига қайта тиклашнинг имконияти йўқ. Эндиги барча умид илмий-амалий асос-

рисуладагидек бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида етти ўлчаб бир кесмоқлик лозим бўлади. Режали иқтисодиётда ҳаммаси бирдек яхши бўлмаганидай, бозор иқтисодиётида ҳам ҳаммаси яхши бўлавермайди. Масалан, фермерга ер билан бирга тўла эркинлик бериш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Фермер кичик ер майдони эгаси бўлгани учун беда — пахта — дон алмашлаб экиш тизими жорий этилмайди. Бинобарин, давлат билан тузиладиган шартнома режасини бажариш учун табиийки, пахта ҳосилдорлигини тупроқнинг табиий унумдорлигини янада кучлироқ суистеъмол қилиш орқали ошириш йўлидан боради. Оқибатда тупроқ унумдорлиги янада тезроқ муддатда тузатиб бўлмайдиган ҳолатга келади. Яъни фермернинг бугун оладиган юқори ҳосили авлодларимизга жуда қимматга тушади.

Демак, қишлоқ хўжалигини ислох қилишда режали иқтисодиёт билан бозор иқтисодиётининг энг яхши жиҳатлари «қотишмаси»дан фойдаланиш энг тўғри йўл, деб ҳисоблайман. Бунинг учун амалдаги қонунларимизга озгина ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, пахта — беда — дон алмашлаб экиш тизимларини жорий этиш учун шарт-шароит яратиб бериш лозим.

— **Унда ҳалиги айтганингиз кичик ер эгалари бўлган фермерлар даласида алмашлаб экишнинг тақдири нима кечади?**

— Бу — ҳозирги куннинг энг муҳим ва энг долзарб масаласи. Юртбошимиз айтганларидек, биз бозор иқтисодиёти йўлини танлаб, буюк келажагимиз сари ўзимизга мос ва ўзимизга хос йўлдан бораёямиз. Энди бу йўлдан қайтиш йўқ. Бинобарин, бизда ҳам хорижий мамлакатлардаги каби илмий-билимли, ўз халқини тўйдириб, четга

чиқариши мумкин. Мамлакатда йилига 10 фоиз майдонда аста-секин жорий этилса, йўлақай пайдо бўладиган муаммолар ҳам навбати билан ҳал этиб борилади. Демак, республика миқёсида уни жорий этиш учун ўн йил вақт керак экан. Бироқ, бунинг иккинчи томони, яъни тўла ўзлаштириш масаласига келсак, ҳамма далада унинг бир ротаация даври ўтиши керак. Шундан сўнг алмашлаб экишдан самара кела бошлайди. Ўн далали алмашлаб экишнинг ҳамма даласида бир ротаация жараёни 19 йилда ўтади. Шундай қилиб, алмашлаб экишни республика миқёсида фақат 29 йил ичида тўла ўзлаштириш мумкин.

Аммо мен ўз таклифларимни амалга оширишни ҳар қайси вилоятда учтадан фермер ёки биттадан ширкат хўжалигида намуна сифатида пахта — беда — дон алмашлаб экишни жорий этишдан бошлаш айна мурдадо бўлур эди, деб ўйлайман. Уч-тўрт йилдан сўнг ҳаётнинг ўзи бу усул нима беришини яққол кўрсатади.

— **Кейинги пайтларда кўпгина мутахассислар республикадаги беда майдонини аста-секин ошириб, 15-20 фоизга етказиш зарур дейишяпти...**

— Мен бу фикрга қўшилмайман. Республиканинг ҳамма ҳудудда бир вақтининг ўзида беда майдони аста-секин оширилса, ем-хашак бироз кўпаяди-ю, аммо алмашлаб экиш жорий бўлмайди.

Алмашлаб экишнинг бир даласини бу йил, иккинчисини келаси йили, яъни уни бўлак-бўлакка бўлиб, жорий этиб бўлмайди. Чунки, алмашлаб экиш илмга асосланган ва ўта аниқликни талаб этадиган жараён. Шу боис такрор айтманки, уни республикада йилига 10 фоиз майдонда тўлиқ жорий этиб бориш энг мақбул усулдир. Яъни алмашлаб экиш республикада 10 йилда жорий этилади ва 29 йилда тўла ўзлаштирилади.

Ўзбекистонда беда экини ҳам, алмашлаб экиш тизими ҳам, авваламбор, пахта ва дон ҳосилдорлигини ошириш учун хизмат қилмоғи лозим. Мамлакатимизнинг иқтисодий равнақи шуни тақозо этади. Чорвачиликнинг ривожини эса ана шу жараённинг таъсирида юз берадиган табиий ҳолдир.

Гапни мухтасар қилиб, индалосини айтадиган бўлсак, мухтарам Юртбошимиз лутф этганларидек, олтинга тенг тупроғимиз, Аллоҳнинг назари тушган еримиз бор. Ана шу асосий бой-

лигимизни кўз қорачигидай асраш, авайлаш, келажақ авлодларга шундайлигича қолдириш нафақат олим мутахассис, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун эса зироатчиликни фақат ва фақат илм-фан ютуқларига таянган ҳолда олиб бориш лозим бўлади. Бундан ўзга йўл йўқ.

Шу нуктага назардан қараганда, маҳсул экспорт қиладиган салоҳиятли фермерлар етишиб чикади, албатта. Ана шунда ўзбек фермерларнинг экин майдонлари камида 500-600 гектарга етказилади ва пахта етиштиришни пахта — беда — дон алмашлаб экиш тизими негизда йўлга қўйиш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилади. Ширкат хўжаликлари зиммасига ҳам худди шундай вазифа қонун асосида юкланиши лозим. Ширкат хўжалигини унинг раҳбарларига тўла-тўқис ижарага бериш мулкка эгаллик шартини уйғотишини ҳисобга олсак, Президентимиз орзу қиладиган самарага эришилиши шубҳасиздир.

— **Сухбатимизни бизда пахта ҳосилдорлиги имконият даражасидан анча паст эканлигидан бошлаган эдик. Айтинчи, сиз тавсия этаётган алмашлаб экиш тизимлари жорий этилганда, экин майдонлари таркиби, ҳосилдорлик қандай бўлади?**

— Алмашлаб экишни пахта майдонини асло камайтирмасдан, фақат дон майдонини йилига 10 фоиздан, аммо, албатта, секин-аста қисқартириб бориш эвазига жорий қилиш зарур. Дон ҳосилдорлиги муқаррар ошадиган бўлганлиги туфайли алмашлаб экишни 10 йил давомида аста-секин жорий қилиш республиканинг галла мустақиллигига салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, уни мустаҳкамлайди.

Алмашлаб экиш тўла жорий қилингандан сўнг пировардида экин майдонларининг таркиби куйидагича бўлади: пахта — 45 фоиз, беда — 30 фоиз, дон — 15 фоиз, бошқа экинлар — 5 фоиз, мелиоратив дала — 5 фоиз.

Ҳисоб-китобларимизга қараганда алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилганда пахта ҳосилдорлиги 35-40 центнердан кам бўлмайди. Дон ҳосилдорлиги 70-75 центнерга, озуқа бирлиги 50-60 центнерга кўтарилди. Кўриниб турибдики, ҳозир 35 фоиз майдонда ўртача 30 центнердан ҳосил олиб, ялпи 3 миллион тонна галла етиштириладиган бўлса, алмашлаб экиш ўзлаштирилганда ҳосилдорлик 75 центнерга етиши сабабли 15 фоиз майдонда 3,3 миллион тонна галла олинади.

— **Тавсия этаётган алмашлаб экиш тизимининг жорий этиш ва тўла ўзлаштириш учун қанча вақт керак бўлади?**

— Бутун республика қишлоқ хўжалигида алмашлаб экишни қисқа муддатда жорий этиб ва айниқса, тўла ўзлаштириб бўлмайди. Бу ишда шошма-шошарлик, тезкорлик ечиб бўлмайдиган муаммоларни келтириб

# ЕРНИ БОҚКИ, ЭЛНИ БОҚУРСАН

**Ёхуд республикада деҳқончилик маданиятини илмий асосда жаҳон андозалари даражасига кўтариш омиллари хусусида**

ланган алмашлаб экиш тизимини яратиб ва жорий этишда қолган.

Шундан келиб чиқиб мен 10 далали алмашлаб экишнинг куйидаги уч тизимини жорий этиш зарур деб ҳисоблайман:

Шўрланган, тупроқ унумдорлиги паст ерларда 1:3:2:2:2 кўринишдаги тизим (1 йил мелиоратив дала, 2-, 3-, 4- йиллари беда, 5-, 6-йиллари — пахта, 7-, 8-йиллари дон, 9-, 10-йиллари — пахта). Бунда пахта салмоғи — 40 фоиз, беда — 30 фоиз, дон — 20 фоиз, мелиоратив дала — 10 фоиз бўлади.

Шўрланмаган, тупроғи унумдор ўтлоқ ерларда 3:4:1:2 кўринишдаги тизим (1-, 2-, 3-йиллари — беда, 4-, 5-, 6-, 7-йиллари — пахта, 8-йили — дон, 9-, 10-йиллари — пахта). Бунда пахта салмоғи — 60 фоиз, беда — 30 фоиз, дон — 10 фоиз бўлади.

Қолган ерларда — 3:3:2:2 кўринишдаги тизим (1-, 2-, 3-йиллари — беда, 4-, 5-, 6-йиллари — пахта, 7-, 8-йиллари — дон, 9-, 10-йиллари — пахта). Бунда пахта салмоғи — 50 фоиз, беда — 30 фоиз, дон — 20 фоиз бўлади.

Алмашлаб экишнинг ушбу тизимларини жорий этиш нафақат тупроқнинг унумдорлиги, бошқача айтганда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, балки, ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш имконини ҳам беради. Мустақилликка эришганимизга қадар бир гектар сўғориладиган ерга солинган кимёвий оғулар АҚШда 1 килограмм, собиқ СССРда 2 килограмм, собиқ Ўзбекистон ССРда 53 килограмм бўлган. Бу захарли дориларнинг қолдиги азотли ўғитлар сингари ҳавога учиб кетиб, йўқолмайди. Она заминимиз бағридаги бу оғулардан кутулишнинг фақат биттагина йўли бор. Биз тавсия этаётган алмашлаб экиш тизимлари жорий этилса, тупроқдаги микроорганизмларнинг жуда кўп турлари ўсимлик қолдиқларини истеъмол қилиб, қайта тикланади ва ривожланади. Ана шу кўз илғамас захматкаш организмлар ўз ҳаёти давомида оғулар қолдиқларини аста-секин емириб, парчалаб йўқотади. Бунинг учун 25-30 йилча вақт керак бўлади, албатта. Уни тезлаштириб бўлмайди. Чунки, бу табиий жараёндир.

— **Ерларнинг «банги» бўлиб қолганлиги, яъни беадақ солинадиган маъданли ўғит ва кимёвий дорилар асоратида тупроқ унумдорлиги, ундаги экологик мувозанат оғир инкирозга учраб, жар ёқасига келиб қолганлиги хусусида деҳқонларнинг ўзларидан ҳам кўп эшитамиз...**

— Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида



# DUSHANBA

5

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45, 17.55 ТВ-маркет.  
8.50 Улуг аждодларимизга эхтиром «Ўзбектелефильм» намоиши: «Абдухалик Гиждувоний».  
9.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.  
9.35, 12.35 ТВ-метео.  
9.40 «Санъат олами».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Кундузги сеанс: «Хаёт учун хавфли». Бадий фильм.  
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.  
12.05 «Булутли

йўлларда сайр». Мультфильм.  
12.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
12.40 Яккама-якка жанг. Каратэ.  
13.00 «Оталар чойхонаси».  
13.45 ТВ-1 намоиш этади.  
14.10 «Олам». Телеальманах.  
14.50 «Қишлоқ ҳаёти».  
15.05 «Бор эканда, йўқ экан». Бадий фильм.  
16.25 ТВ-анонс.  
16.30 Лирик тароналар.  
17.00 Болалар учун. «Кўзминчоқ».  
17.20 ТВ-интернет.  
17.25 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».  
18.10 «Фозу - турналар». Мультфильм.  
18.30 «Мусиқий альбом».  
18.35 «Тафсилот».  
18.50 «Бахтли воқеа».

Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.  
21.40 «Маънавият» дастури: 1. «Мужда». 2. «Халқ севган дostonлар». 3. «Умр мазмуни».  
22.40 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».  
22.55 «Миллионлар ўйини».  
23.15 «Ахборот».  
23.50 Тунги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадий фильм.  
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
10.55 Кўрсатувлар дастури.  
11.00 «Давр». Ҳафта

ичида».  
11.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 23-қисм.  
12.05 Мусиқий лаҳзалар.  
12.15 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси».  
12.45 «Саломатлик сирлари».  
13.05 «Ёшлар овози».  
13.25 «Қудуқ тубидаги фарёд». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.  
14.35 Жаҳон жуғрофияси: «Парвоз ваҳима-си».  
15.45 «Она билан бола - гул билан лола». Мусиқий дастур.  
16.00 «Шов-шув». Телесериал.  
17.40 Кўрсатувлар дастури.  
17.45 «Янги авлод» студияси: «Кўшиқ бизга ҳамроҳ».  
18.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телевизион танлови.

18.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».  
18.45 «Оқшом наволари».  
18.55, 21.55 «Иқлим».  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.  
19.35 «Эрта сўнган юлдузлар».  
19.55 «Ёшлик наволари».  
20.10 «Ёшлар овози».  
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар  
20.35 «Кавинтон Кросс». Телесериал.  
21.30 «Бир пиёла чой устида».  
21.50 «Олтин мерос».  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.  
22.35 «Даллас». Телесериал.  
23.20 «Давр». Ахборот дастури.  
23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

1.05-1.10 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 Мультфильм.  
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».  
18.30, 20.00, 21.30, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
19.35 «Эхтиром ила».  
20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
21.55 «Авто-news».  
22.30 «Оҳанглар ва эълонлар».  
22.40. Кинонигоҳ. «Муҳаббат формуласи».  
00.30-00.35 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 7.00-9.00  
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)  
16.15 «Мультчархпалак».  
16.30 «Вести».  
17.00 «Ит уяси».  
Сериал.  
17.50 «Контакт».  
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
18.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».  
18.40 «Клип-антракт».  
18.45 «Мени кутгил».  
19.40 «Қиш олчаси». Сериал.  
20.40 Клип-антракт.  
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.00 «Время».  
21.50 «Бизнес-ревью».  
22.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.  
22.50 «ТВ-4 да Немис тўлкини».  
23.10 Кинематограф. «Нажот ҳамшираси». Бадий фильм.  
00.40 «Ахборот» (рус тилида)  
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

# SESHANBA

6

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ-маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
8.55 «Рақслар гулдас-таси».  
9.20 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.  
9.35, 12.40 ТВ-метео.  
9.40 «Миллионлар ўйини».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».  
10.25 Кундузги сеанс: «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм.  
12.05 «Миллий манфат».  
12.45 Эстрада тароналари.  
13.00 «Маънавият»

дастури.  
14.10 Футбол XX асрнинг сўнги Европа чемпионати. Испания-Норвегия.  
15.40 Экранда кинокомедия: «Пазанда».  
16.45 ТВ-клип.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Алдарқўса». Мультфильм.  
18.25 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».  
18.35 ТВ-клип.  
18.40 «Солиқ ва назорат».  
18.55 «Олтин мерос».  
19.10 «Мулкдор».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз

тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Навойихонлик.  
21.20 «Мусиқа: Кеча ва бугун».  
21.55 «Темур ғори». Видеофильм. 1-2 қисмлар.  
22.40 «Саҳна ҳаёти».  
23.05 «Ахборот».  
23.40 Тунги сеанс: «Аёл портрети». Бадий фильм.  
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси, «Кўшиқ бизга ҳамроҳ».  
9.35 «Танаффус».  
Мультфильм.  
9.45 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.  
10.05 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 24-қисм.

10.30, 13.35, 16.00 «Мусиқий лаҳзалар».  
10.40 «Азизим».  
11.00 «Даллас». Телесериал.  
11.45 «Ёшлар овози».  
12.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.  
13.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.  
14.35 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.  
14.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 64-қисм.  
15.40 «Баҳс».  
16.05 «Шов-шув». Телесериал.  
17.45 Кўрсатувлар дастури.  
17.50 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».  
18.10 «Таянч».  
18.25 «Марду-майдон».  
18.45 «Оқшом наволари».  
18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.  
19.35 «Давр»-интервью.  
19.50 «Биринчи мўжиза».  
20.10 «Олтин мерос» студияси тақдим этади: «Барҳаёт Навоий». 1-қисм.  
21.25, 22.30 Эълонлар  
20.35 «Кавинтон Кросс». Телесериал.  
21.30 «Ёшлар овози».  
20.45 «Олтин мерос».  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.  
22.35 «Авторейд». Телесериал.  
23.35 «Давр». Ахборот дастури.  
23.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.  
0.30-0.35 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
18.00 Кўрсатувлар

тартиби.  
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».  
18.30, 20.00, 21.30, 00.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
19.30 «Эхтиром ила».  
20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.  
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.  
22.25 Кинонигоҳ. «Шоушенкадан қочиш».  
1.10-1.15 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 7.00-9.00  
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Мультчархпалак».  
16.25 «Клип-антракт».  
16.30 «Вести».

17.00 «Ит уяси». Сериал.  
17.50 «Япония спорти».  
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.  
18.45 «Махфий ҳужжатлар» (X-files) Сериал.  
20.10 «Олам бўйлаб».  
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.00 «Время».  
21.50 «Бизнес-ревью».  
21.55 «Муҳаббат тарихи». Сериал.  
22.45 Кинематограф. «101чи қотиллик». Бадий фильм.  
00.10 «Ахборот» (рус тилида)  
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

# CHORSHANBA

7

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ-маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
8.55 «Созим - ҳамрозим». Мусиқий дастур.  
9.15, 12.35 ТВ-метео.  
9.20 «Менга сўз беринг!»  
9.50 «Тиббиёт одимлари».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Кундузги сеанс: «Шайтонвачча». Бадий фильм.  
11.20 «Камолот сари».  
11.40 ТВ-клип.  
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.  
12.05 «Севги сурури». Концерт.  
12.40 ТВ-1 саҳнаси. «Ота қадри». Бердақ номидаги Қорақалпоқ

мусиқали драма театрининг спектакли.  
13.50, ТВ-анонс.  
14.10 «Талабалик йилларим».  
14.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.  
14.55 ТВ-1 кинотеатри: «Сабр косаси». Бадий фильм.  
16.20 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.  
16.55 «Киефа».  
17.20 ТВ-интернет.  
17.25 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртақ». Мультфильм.  
18.10 Болалар учун. «Мен дунёни кўрапман».  
18.35 «Иқтисод ва биз».  
18.45 «Куйла, ёшлигим».  
19.05 «Инсон ва қонун».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Қўшиғимиз Сизга армугон». Мусиқий дастур.  
21.40 «Темур ғори». Видеофильм. 3-4 қисмлар.  
**«Тунги ҳамроҳ»**.  
22.20 «Сени шарафлайман, Озодлик!»  
22.30 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».  
22.50 «Олам». Телеальманах.  
23.25 «Ахборот».  
00.00 Тунги сеанс: «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадий фильм.  
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».  
9.35 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.  
9.55 «Европа билан ҳамкорликда».  
10.15, 12.05 «Мусиқий лаҳзалар».

10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 25-қисм.  
10.50 «Давр»-интервью.  
11.05 «Даллас». Телесериал.  
11.50 «Ёшлар овози».  
12.15 Болалар экран: «Шум бола».  
13.45 «Таянч».  
14.00 «Кавинтон Кросс». Телесериал.  
14.50 «Биринчи мўжиза».  
15.10 «Авторейд».  
15.25 «Шов-шув». Телесериал.  
17.05 «Мақом» ансамбли хонандалари куйлайди. \* \* \*  
17.25 Кўрсатувлар дастури.  
17.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
17.50 «Мени тушун». Телеўйин.  
18.15 «Далил ва шарҳ».  
18.25 «Сийрат».  
18.45 «Оқшом наволари».  
18.55, 21.55 «Иқлим».  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.  
19.35 «Олтин мерос» студияси тақдим этади: «Барҳаёт Навоий». 2-қисм.  
19.55, 22.30 Эълонлар  
20.00 «Спорт-лото».  
20.10 «ТВ-ошхона».  
20.25 «Ракурс».  
20.45 «Муҳаббат қўшиқлари».  
20.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ўлим билан юзма-юз».  
21.45 «Олтин мерос». Алишер Навоийга бағишланади.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.30 «Каталог».  
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.  
22.45 «Даллас». Телесериал.  
23.30 «Давр». Ахборот дастури.  
23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
1.15-1.20 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканал**  
18.00 Кўрсатувлар

тартиби.  
18.05 «Мультфильм».  
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».  
18.30, 20.00, 21.30, 00.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».  
19.30 «Эхтиром ила».  
20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.  
22.45 Кинонигоҳ. «Хотира саодати».  
1.20-1.25 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 7.00-9.00  
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
16.15 «Мультчархпалак».

16.30 «Вести».  
17.00 «Ит уяси». Сериал.  
17.50 «Британия кундалиги».  
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.  
18.45 «Клип-антракт».  
18.55 «Инсон ва қонун».  
19.40 «Икки роял».  
20.25 «Жонли сайёра».  
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.00 «Время».  
21.50 «Бизнес-ревью».  
22.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.  
22.55 «X-спорт».  
23.15 Кинематограф. «Сўнги иш». Бадий фильм.  
00.30 «Ахборот» (рус тилида)  
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин».

# PAVSHANBA

8

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ-маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Унутил-

ган ўйинлар».  
9.10, 12.25 ТВ-метео.  
9.15 «Ватандин яхши ёр ўлмас». Адабий - мусиқий композиция.  
9.40 «Мурувват».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Талаб ва таклиф».  
10.20 Кундузги сеанс:

«Кечиролсанг, кечир мени». Бадий фильм.  
11.40 Болалар учун. «Санъат гунаҳлари».  
12.05 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».  
12.30 Телевизион новеллар театри.  
13.15 «Ҳамиша барҳаёт наво».  
13.30 «Алла» ижрочиларининг V аънавий Республика кўрик танлови.  
13.55, 15.15 ТВ-анонс.  
14.10 «Бильярд-клуб».  
14.40 «Болалигим -

пошшолигим».  
15.00 «Бинокор».  
15.20 «Бувам, Килиан ва мен». Бадий фильм.  
16.40 «Куйлардан - қўшиқларга».  
17.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.  
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.  
17.45 «Шеър ва шуур».  
18.10 «Банк ва миҳоз».  
18.25 «Истеъдод».  
Мусиқий дастур.  
18.40 «Хуқуқий жамият

сари».  
19.00 «Ҳидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 А. Навоий таваллудининг 560-йиллигига «Назм ва наво». Навоий

лирикаси.  
21.40 «Қабул соати».  
22.00 «Сийрат» Тунги дам олиш дастури: 1. «Бутуннинг гапи». 2. «Бир ҳамроҳ истар кўнгил». 3. «Дунёнинг етти мўъжизаси». 4. «Мусиқий ревью». 5. «Тарих ичра бир маржон». 6. «Юлдузлар башорати».  
23.00 «Олам». Телеальманах.  
23.35 «Ахборот».  
00.10 Тунги сеанс:

«Маҳбубим, азизим, суюқлигим, ёлғизим». Бадий фильм.  
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
9.35 «Кўрқоқ бегемот». Мультфильм.



9.55 2001 - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».	Бадий фильм. 15.00 «Сенинг вақтинг».	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	22.35 «Даллас». Теле-сериял.	кутлаймиз». 21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.	16.25 «Клип-антракт».	ракурс».
10.10 «Муסיкий лахзалар».	15.20 «Спорт-китъаси».	19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.	23.20 «Давр». Ахборот дастури.	22.15 «Спорт оламида».	16.30 «Вести».	19.55 «Уз ўзига режиссёр».
10.20 «Ҳақиқат чегараси».	15.50 «Шов-шув». Телесериал.	19.35 «Давр»-интервью.	23.35 «Ешлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.	22.35 Оҳанглар ва эълонлар.	17.00 «Ит уяси».	20.25 «Дипкуръер».
10.45 «Сийрат».	17.20 Кўрсатувлар дастури.	19.40 «Мухлис».	1.05-1.10 «Хайрли тун!»	00.50-00.55 «Хайрли тун, шахрим!»	Сериал.	20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
11.05 «Даллас».	17.25 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».	20.00 «Одамлар орасида».	<b>«Тошкент» телеканал</b>	15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	17.50 «Сизнинг адвокатингиз».	21.00 «Время».
11.50 «Мезон».	17.45 «Тараққиёт».	20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар	18.00 Кўрсатувлар тартиби.	РЖТ 7.00-9.00	18.05 «Бугун оламда».	21.50 «Бизнес-ревью».
12.10 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	18.00 «Навий ва Самарқанд». Видеофильм. 1-қисм.	20.25 «Кавинтон Кросс». Телесериал.	18.05 «Митти юлдузлар».	15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	18.15 «Кусто командасининг барча саёхатлари».	21.55 «Мухаббат тарихи».
13.40 «Камолот».	18.25 «Табобат оламида».	21.20 «Муסיкий лахзалар».	18.30, 20.00, 21.30, 00.25 «Пойтахт».	16.00 Кўрсатувлар тартиби.	18.45 «Клип-антракт».	22.45 «Кино сайёраси».
14.00 «Кенжатоидан кўрк, эй ғаним».	18.45 «Оқшом наволари».	21.45 «Олтин мерос».	Ахборот дастури.	16.05 «Мультчархпалак».	18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.	23.05 Кинематограф. «Фаришта». Бадий фильм.
	18.55, 21.55 «Иқлим».	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	18.55 ТТВда сериял: «Санта-Барбара».			00.50 «Ахборот» (рус тилида)
		22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.	19.30 «Эхтиром ила».			1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».
			20.25 «Табриклаймиз, бағишланади.			

<b>Жума</b>	<b>9</b>	23.55 «Алишер Навойи». Бадий фильм.	14.10 «Кавинтон Кросс». Телесериал.	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	тартиби.	16.30 «Вести».
<b>«Ўзбекистон» телеканал</b>	12.50 — 18.00 А.	1.30-1.35 Ватан тим-соллари.	15.00 «Саломат бўлинг».	19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.	18.05 Мультфильм.	17.00 «Ит уяси».
А. Навойи таваллудининг 560-йиллигига.	Навий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган.	<b>«Ешлар» телеканал</b>	15.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».	19.35 «Ушбу даргоҳ ўлгай гулшану боғ».	18.15 «Мисли гавҳар».	Сериал.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».	Эл нетиб топқай мениким». Видеоканали.	8.55 Кўрсатувлар дастури.	Телесериал. 65-қисм.	Алишер Навойи ва темурийлар хонадони.	18.30, 20.00, 21.30, 00.20 «Пойтахт».	17.50 «Вақт хазинасидан».
8.00-8.35 «Ахборот».	18.10 «Зулфияхоним кизлари».	9.00 «Давр». Ахборот дастури.		19.55 «Олтин мерос».	Ахборот дастури.	18.05 «Бугун оламда».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.	18.30 «Наво таралсин». Концерт.	9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».	16.10 Кўрсатувлар дастури.	20.05 «Аср кифъаси».	18.55 ТТВда сериял: «Санта-Барбара».	Ахборот кўрсатуви.
8.40 Газеталар шарҳи.	18.45 «Омад қувончи». Телебинго шоу.	9.55 «Олтин мерос».	16.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».	20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар	19.30 «Эхтиром ила».	18.15 «Дурдаршан».
9.00 «Умрбоқий кўшиқлар». Муסיкий дастур.	19.05 «Имконият».	10.05 «Давр»-интервью.	16.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».	20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар	20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».	18.35 «Махфий ҳужжатлар» (X-files) Сериал.
9.30, 12.25 ТВ-метео.	19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар	10.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 27-қисм.	16.50 «Ешлар ва маънавият».	21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.	22.25 Оҳанглар ва эълонлар.	18.05 «Бугун оламда».
9.40 «Алломиш». Мультфильм.	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	10.45 «Одамлар орасида».	17.05 «Автосалтанат».	22.25 Оҳанглар ва эълонлар.	«Истикомат ҳуқуқи».	Ахборот кўрсатуви.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар	20.00 Оқшом эртақлари.	11.05 «Даллас». Телесериал.	17.20 «Навий ва Самарқанд». Видеофильм. 1-қисм.	22.30 Кўрсатувлар тартиби.	00.45-00.50 «Хайрли тун, шахрим!»	18.15 «Дурдаршан».
10.05 «Инсон ва замин».	20.15 «Тиббиёт одимлари».	11.50 «Ҳазал соғинчи».	18.05 «Аскар мактублари».	23.40 «Давр». Ахборот дастури.	<b>«Халқаро» телеканал</b>	18.35 «Махфий ҳужжатлар» (X-files) Сериал.
10.20 Кундузги сеанс: «Тоҳир ва Зухра».	20.30 «Ахборот».	12.10 «Олтин мерос».	18.25 «Навий ва Самарқанд». Видеофильм. 2-қисм.	23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».	РЖТ 7.00-9.00	19.25 «Клип-антракт».
11.50 ТВ-клип.	21.05 дан-23.20 «Эл нетиб топқай мениким».	12.30 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	18.45 «Оқшом наволари».	<b>«Тошкент» телеканал</b>	15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	19.30 «Аралаш».
«Спорт» дастури:	23.20 «Ахборот».	14.00 «Олтин мерос».	18.55, 21.55 «Иқлим».	18.00 Кўрсатувлар		Ҳажвий киножурнал.
12.05 «Спорт, спорт, спорт».						19.40 «Мўжизалар майдони».
12.30 «Шатранж олами».						20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
						21.00 «Время».
						21.55 «Бизнес-ревью».
						22.15 «Мухаббат тарихи».
						Сериал.
						23.05 «Соккер клуб».
						23.25 Кинематограф.
						«Шумқадим сохибжамол».
						Бадий фильм.
						00.55 «Ахборот» (рус тилида)
						1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

<b>Шанба</b>	<b>10</b>	20.30 «Ахборот».	налива спорт: Ринг қироллари.	Эколаш.	таси.	мирас».
<b>«Ўзбекистон» телеканал</b>	фильм. 1-қисм.	21.05 «Навийхонлик».	12.20 «Навий ва Самарқанд». Видеофильм. 2-қисм.	19.35 Эркин Абдурахимов куйлайди.	20.05 «Табриклаймиз, кутлаймиз».	«Машриқ оҳанглари».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».	13.55, 15.30 ТВ-анонс.	<b>«Шанба оқшомида»:</b>	12.40 «Рамаёна». Телесериал.	19.55 «Олис сафарлар иштиёқида». Бутунжаҳон моҳир ошпазлар мусобақаси.	21.05 ТТВда сериял: «Сайёрамиз бўйлаб».	13.55-14.25 «Немис тили».
8.00-8.35 «Ахборот».	14.00 «Дўстлик» видеоканали: 1.Мехрангез. 2.Жетиген.	21.15 1. Оддий репортаж. 2. «Кун мехмони». 3. «Эслайсизми?» 4. «Шаклар». 5. «Ким аслида ким». 6. «Жаноб бизнес». 7. «Дўстим ҳақида». 8. «Дил дафтари».	13.15 «Мени тушун». Телеуйин.	20.25, 21.05, 22.50 Эълонлар	78, 79-қисмлар.	***
8.35 Газеталар шарҳи.	14.20 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-қисм.	23.20 «Ахборот».	13.40 «Синфдош».	21.30 «Футбол плюс»	21.50 «Дурдона».	17.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.50 «Ҳамоҳанг қалблар садоси». Айтишув.	15.35 Футбол. ХХ асрининг сўнгги Европа чемпионати.	<b>«Тунги ёғду. Дам олиш дастури»:</b>	14.20 «Кавинтон Кросс». Телесериал.	21.50 «Олтин мерос».	22.05 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби.	17.05 «Мультчархпалак».
9.20, 11.25 ТВ-метео.	17.05 «Ҳаёт қомуси».	1.45-1.50 Ватан тим-соллари.	15.10 «Эрта сўнган юлдузлар».	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	22.25 Оҳанглар ва эълонлар.	17.15 «Интернет худуди».
9.25 «Хидоят сари».	17.25 «Мўжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.	<b>«Ешлар» телеканал</b>	15.30 «Олтин мерос».	22.30 «Каталог».	22.35 Кинонигоҳ. «Икки соҳил — икки тақдир».	17.30 «Дунё мамлакатлари».
9.50 «Телевизион миниатюралар театри».	18.10 «Ранглар жилоси».	7.55 Кўрсатувлар дастури.	15.40 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.	22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.	00.15-00.20 «Хайрли тун, шахрим!»	17.50 СФИ тақдим этади: «Денгиз афсонаси».
<b>«Умид» намойиш этади:</b>	18.25 «Фламинго». Кинокўрсатув.	8.00 «Давр тонги».	16.20 «Хуқуқ ва бурч».	22.55 «Ешлар» телеканалда премьераси.	10.10 «Смак».	18.15 Л. Вайкуле иштирокидаги концерт дастури.
10.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».	18.45 Эстрада тароналари.	9.00 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».	16.45 Турсунбой Парпиев куйлайди.	«Тунингиз ака-укалар».	9.05 «Инглиз тили Сиз учун».	19.15 Буюк искуварлар: Коломбо.
10.45 «Ихлос».	19.10 «Қишлоқ ҳаёти».	9.20 «Табобат оламида».	17.05 Кўрсатувлар дастури.	0.25-0.30 «Хайрли тун!»	10.30 Е. Петросянинннг Кулгу панорамаси.	21.00 «Время».
11.05 «Ринг».	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар	9.40 «Жаҳон жүгрофияси»: «Парвоз ваҳима-си».	17.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».	<b>«Тошкент» телеканал</b>	11.10 «Экран зийнати ва киймати».	21.40 «Бизнес-ревью».
11.30 «Нотаниш дил суҳбати».	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	10.30 «Ракурс».	17.30 «Сехрли аждар». Мультфильм.	18.00 Кўрсатувлар тартиби.	11.35 «7дан, 70 гача».	21.45 «Мўжизалар сари йўл».
11.45 «Тошкент наволари». Концерт.	20.00 Оқшом эртақлари.	10.50, 14.10, «Муסיкий лахзалар».	17.55 «Бола тилидан».	18.05 «Оиламиз марраси».	12.05 Кундузги сеанс: «Аэроплан-2». Бадий фильм.	22.10 Кинематограф.
12.25 Болалар учун. «Ха, ха, ха».	20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	11.00 «Аср кифъаси».	18.25 «Кинотақдим».	18.25 «ТВ плюс».	13.05 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Бизнес».	«Ички космос».
12.45 Кундузги сеанс: «Самурайлар байроғи». Бадий		11.20 «Ешлар» телека-	18.45 «Оқшом наволари».	18.50 «Бу ҳам кино».		Бадий фильм.
			18.55, 21.55 «Иқлим».	Телесериал. 7-қисм.		00.05 Ахборот (рус тилида)
			19.00 «Давр». Ахборот дастури.	19.15 «Эхтиром ила».		00.30 «Тунингиз осуда бўлсин».
			19.30 ТВ-анонс ва	19.45, 20.45 «Экспресс» телегазе-		

<b>Yakshanba</b>	<b>11</b>	19.25, 20.00, 20.25, 21.10, Эълонлар	11.35 «Ешлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Мардумайдон». 2. «Аскар мактублари».	наволари».	18.30 «Бу ҳам кино». 8-қисм.	тилида)
<b>«Ўзбекистон» телеканал</b>	12.55 ТВ-1 кинотеатри: «Уч қасам». Бадий фильм. 1-қисм (Хиндистон).	19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)	12.15 «ТВ-ошхона».	18.55, 21.55 «Иқлим».	19.00 «Эхтиром ила».	11.20 «Эртақларнинг сехрли олами».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».	13.55 «Яхши кайфият». Муסיкий дастур.	20.05 «Оламга саёхат». Кинокўрсатув.	12.30 «Олтин мерос».	19.00 «Давр»-news.	19.30, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.	13.00 «Парле ву Франсэ?»
8.00-8.35 «Ахборот».	14.20 «Мозийдан бир мўжиза».	20.30 «Тахлилнома».	12.40 «Рамаёна». Телесериал.	19.15 «Аёл қалби наволари». Азиза Баратова.	19.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».	13.25 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
8.35 «Камалак».	14.35 «Уч қасам». Бадий фильм. 2-қисм.	21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».	13.15 «Кишлоқдаги тенгдошим».	19.30 «Ешлар» телеканалда тақдим этади: «Умри билан берган бўлсин».	20.30 ТТВда сериял: «Сайёрамиз бўйлаб».	13.35-14.10 Дўстлик видеоканали: «Рангинкамон».
Болалар учун кинодастур.	15.45 «Шоирлар - болаларга».	Муסיкий-дам олиш дастури.	13.35 «Дастхат».	20.05 «Бу мунис лахзалар».	80, 81-қисмлар.	***
9.05 «Муסיқа бўстони». Телеальманах.	16.05, 17.25 ТВ-анонс.	21.50 «Келин-куёв». Телешоу.	13.55 «Пастга қарама». Бадий фильм.	20.25 «Олтин мерос» студияси тақдим этади: «Барҳаёт Навойи». 1-қисм.	21.20 «Тошкент ва тошкентликлар».	16.55 Кўрсатувлар дастури.
9.30, 11.55 ТВ-метео.	16.10 «Оҳангларга ошуфта кўнгил».	22.55 «Олам футбол».	15.25 «Тарона-2001» тақдимоти.	20.45, 21.25, 22.40 Эълонлар	21.55 «Спорт-тайм».	17.00 «Жонли табиат».
9.35 «Ғаройибот».	Муסיкий дастур.	23.25 ТВ-1 намойиш этади.	15.40 «Спорт ҳафтано-маси».	20.50 «Рамаёна». Телесериал.	22.25 Кинонигоҳ.	«Онегин».
9.50 «Янгликдаги хазина». Мультфильм.	<b>«Спорт» дастури:</b>	<b>«Якшанба кинозали» кинодастури:</b>	15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Олов билан юзма-юз».	21.30 «Олтин мерос» студияси тақдим этади: «Барҳаёт Навойи». 2-қисм.	24.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!»	18.00 «Мультчархпалак».
<b>«Умид» намойиш этади:</b>	16.35 «Яккама-якка жанг». Дзю-до.	1.55-2.00 Ватан тим-соллари.	16.50 «Бир пиёла чой устида».	21.50 «Олтин мерос».	<b>«Халқаро» телеканал</b>	18.20 «Саёхатлар олами».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».	16.55 «Спорт уик-энд».	<b>«Ешлар» телеканал</b>	17.10 «Очун».	22.00 «Давр». Хафта ичида.	9.00 Кўрсатувлар тартиби.	18.40 «Тенгдошлар».
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.	17.15 «Аския».	7.55 Кўрсатувлар дастури.	17.35 Кўрсатувлар дастури.	22.45 «Ешлар» телеканалда премьераси.	9.05 «Тонг юлдузи».	19.05 Кинематограф.
11.35 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Фарзандим-дилбандим».	17.50 «Алибобо ва қирқ кароқчи». Мультфильм.	8.00 «Давр тонги».	17.40 «Янги авлод» студияси «Ким эпчил-у, ким чаққон».	«Ҳаёт баҳоси».	10.00 «Мультчархпалак».	«Болаларим қаерда?» Бадий фильм.
12.00 «Цирк, цирк, цирк».	18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.	9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».	18.05 «Сехрли аждар Пуф ёлгончилар мамлакатиди». Мультфильм.	Бадий фильм.	10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».	20.35 «Бизнес-ревью».
12.25 «Кулгу терапия».	18.45 «Мухаббат соғинчи». Муסיкий дастур.	9.20 «Футбол плюс».	18.55 «Сехрли аждар Пуф ёлгончилар мамлакатиди». Мультфильм.	0.15-0.20 «Хайрли тун!»	10.30 «Хамма уйдалигида».	20.55 «Экслюзив».
	19.05 «Тўртинчи ҳокимият».	10.10 Болалар экран.	18.30 «Якшанбада қиришгунча».	<b>«Тошкент» телеканал</b>	11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз	21.15 «Мюзик холл».
		«Золушка учун уч ёнғоқ».	18.45 «Оқшом	18.00 Кўрсатувлар тартиби.	юлдузлар».	21.40 Кинематограф: «Орзулар қаён етаклар». Бадий фильм.
				18.05 «Митти юлдузлар».		23.20 «Тахлилнома» (рус тилида)
						23.50 «Тунингиз осуда бўлсин».



# «ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ»НИНГ ВИЛОЯТДАГИ БОШ ВАКИЛИ

Вилоятимизда замонавий русумдаги янги машина харид қилишга эҳтиёж сезган ёки автоулови таъмирбоп бўлган корхонаю ташкилотлар, фуқаролар «Тошвилоятавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти идорасига, станциялари ва устахоналариго мурожаот қилдилар. Жамият раиси Эркин Обидов билан суҳбатимиз айнан шу савол билан бошланди.

— Эркин Раҳматович, Сиз раҳбарлик қилаётган жамият «ЎЗДЭУавто»нинг бош дилерларидан ҳисобланади. Асака заводида ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятда сотилиши ҳам шундан далолат беради. Бунга қандай эришилапти.

— Автомобилсозлик саноатида машиналар ишлаб чиқариш умум ишнинг бир қисми холос. Иккинчи, янада муҳимроқ қисми эса, бу маҳсулотларни сотиш, уларга техник хизмат кўрсатишдир. Ушбу масъулиятли вазифа «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик бирлашмасига ва хусусан унинг минтақавий бўлими сифатида бизнинг зиммамизга юкланган. Бундан беш йил муқаддм Чиноздаги 8-техник хизмат кўрсатиш станцияси базасида ташкил этилган жамиятимиз бошқа шундай тузилмалардан фарқли ўлароқ иш бошлади. Масалан, бошқа вилоятлардаги шундай жамиятлар Асакада ишлаб чиқарилган

автомобилларни сотиш учун фирма салонлари бунёд этишга юзлаб миллион сўмлик кредитлар олиб, иш юритишга киришганда, «Тошвилоятавтотеххизмат» асосан ўз маблағлари ҳисобига ривожланди. Кўпчилик бошқа жамиятлар фақат автомобиллар сотувини устивор йўналиш деб билган бир пайтда бизнинг жамиятимиз кафолатли ва доимий техник хизмат тармоғини ривожлантишга ҳам катта аҳамият берди. Бунинг учун автосервис хизматининг ҳар томонлама қулай ва нисбатан арзон тизимини яратишга кўпроқ эътибор қаратдик. Мижозларга доимий эътибор эса, муваффақиятнинг бош гаровидир.

— «Тошвилоятавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти тузилмалари фаолиятидаги қандай янгиликларни алоҳида қайд этгиниз келади?

— Аввало, «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик бирлашмасининг барча бўлимларидаги каби бизда ҳам Асака заводи билан буюртма асосида ишлашга ўтилаётганини алоҳида таъкидлагим ке-

лади. Зеро, жаҳон тажрибаси шуни тақозо этмоқда. Бизда кўпроқ кондиционерсиз, люкс, оқ рангдаги, ЖЛЭ туридаги машиналарга талаб катта. Хуллас, эҳтиёжга қараб олдиндан тўланган пуллар эвазига буюртмачи истагандек машинани келтириб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Қолаверса, вилоятда техник хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини оширишга интилаяпмиз. Чиноз, Куйичирчиқ туманларида ана шундай хизмат кўрсатиш корхоналари ишлаб турибди. Ўтган йили Олмалик, Оққўрғон ва Ғазалкентда янги корхоналар очиб борасида бошлаган ишларимиз баъзи муаммолар сабабли депсиниб қолганди. 2001 йилнинг охиригача уларни тўла ишга тушириш ниятидамыз. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам шаҳобчалар очишни мўлжаллаяпмиз.

— Ўтган йилда қатор хорижий оммавий-ахборот воситалари «ДЭУ» инкирозга учраётгани ҳақида тинмай бонг уришди. Бу нарса сизнинг фаолиятингизга ҳам бирор таъсир кўрсатдими?

— Чиндан ҳам, 2000 йилда «ДЭУ»нинг инкирозга учраганини ёзмаган хорижий нашр қолмади, ҳисоб. Бу нарса Жанубий корейлик ҳаммуассисимизнинг чет эллардаги кўплаб шериклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатгани ҳам рост. Хатто, Вьетнам ва Ҳиндистондаги қўшма корхоналар маҳсулот чиқармай кўйди. Лекин, «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси

бундан мустасно. У муттасил ишлаб турибди. Бунда, албатта, ҳукуматимиз, айниқса, Президентимизнинг хизматлари катта бўлди. Ҳеч бир давлатга эҳтиёж ва бутловчи қисмлар жўнатмай кўйган корпорация Ўзбекистонга уларни юбориб туришни қанда қилмади. Ўзингизга маълум, Жанубий Корея ҳукумати 2000 йил 22 декабрда ДЭУ муаммосини ҳал қилди. Корпорация раҳбариятининг бош вакили, «ДЭУмоторс»нинг янги раиси Ли Жонг Дэ мамлакатимизга ташриф буюриб, республикамыз автосаноати билан яқиндан танишаркан, унга юқори баҳо берди. Бу эса автомобилсозлик саноатини ҳамкорликда ривожлантиришнинг янги уфқларини очди. Ташрифдан сўнг янги келишувга мувофиқ «ЎЗДЭУавто» бу йил уч хил русумдаги 51400та автомобиль ишлаб чиқарадиган бўлди. Уларнинг 20 мингтаси экспорт қилинса, қолганлари ўзимизда сотилади. Шулардан 2 ярим мингга яқинини жамиятимиз орқали вилоятимизда сотишни режалаштирганмиз. Қолаверса, республикамыз мустақиллигининг 10 йиллигига янги модификациядаги машина — «Матиз» автомобилни ишлаб чиқариш ҳам мўлжалланмоқда. Европа ва Америка мамлакатларига, Японияга дадил кириб бораётган бу автомобиль русуми бизда ҳам харидоргир бўлишига шубҳа йўқ. Йил охирига бориб 7 мингта шундай автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган.

— Кичик мусохабамиздаги сўнги савол. Жамиятнинг «ЎЗДЭУавто» маҳсулотларини сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатишдан ташқари яна қандай ишлар билан машғул?

— Янги иқтисодий шароит фаолият турларини янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар очиб бераётганлиги сабабли, улардан ҳам ўринли фойдаланмоқдамиз. Масалан, «Самкочавто» қўшма корхонаси билан шартнома тузиб, улар ишлаб чиқараётган автобуслар ва юк машиналарини вилоятда сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш мажбуриятини зиммамизга олаяпмиз. Бундан ташқари мазкур корхонадан лизинг асосида харид қилинган машиналарда аҳоли ва юк ташиш ишларини йўлга қўймоқчимиз. Бу фаолиятни шу йилнинг биринчи чорагидан бошлаш учун 15та «Отайўл» автобуслари, 5та «Тико», 5та «Дамас» енгил машиналаридан фойдаланамиз.

Олдинда қилинадиган ишлар кўп. Имкониятларимиз кўлами тобора кенгайиб бораётгани бизни енг шимариб, янада ғайрат билан ишлашга даъват этмоқда. Энг муҳими биз сотаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатётган хизматимиздан мижозлар мамнун бўлсалар бас.

Суҳбатдош: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ.

## «ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»

### ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Сизнинг узоғингизни яқин қилиб, вақтингизни тежайдиган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган



«НЕКСИЯ», «ДАМАС» ва «ТИКО»  
автомобилларини  
вилоятдаги ўзининг барча  
автосалонлари орқали  
28 февралгача

### ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА

олдиндан ҳақини тўлаш усули билан харид қилишга чорлайди. Сизлар тез кунларда ўз автомобилнингизнинг эгаси бўлишингизга кафолат беради. Автомобиль ишқибозлари вилоятдаги ҳудудий «АВТОТЕХХИЗМАТ» корхоналарига мурожаат этишлари мумкин.

АВТОСАЛОНЛАРИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!  
«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»  
ҳиссадорлик жамияти



Маълумот учун телефонлар: 54-77-71,  
54-62-42, 54-57-42  
Чинозда: 8(259) 31-413, 31-279.



# ТИНЧЛАН, ЭНДИ, ОНА ЕР

Хали Венесуэладаги йигирма кишининг ҳаётига зомин бўлган авиаҳалокатнинг, Қора денгизнинг Сарин бурнида фалокатга йўлиққан «Память Меркурия» кемаси фожеасини эшитиб, ҳаяжонларимиз босилмасдан; Ставрополдаги турар-жой биноси, Бурятиядаги йўловчилар тушган автобус ёниб кетганидан юракларимизнинг увишгани ўрнига тушмасдан, «АН-10» самолёти бутунча ерга қулаб тушганини кўриб, изтиробларимиз бениҳоя бўлганини бир-биримизга айтиб улгурмасимиздан жаҳон оммавий ахборот воситалари Хиндистондаги даҳшатли воқеалар ҳақида хабар тарқатди.

Хиндистоннинг Гужарат вилоятида эллик йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада кучли ер қимирлаш содир бўлди. Аҳмадобод шаҳрининг ўзидагина юздан ошқ иморатлар қулаб тушди. Темир йўллар, электр тармоқлари, сув қувурлар батамом яроқсиз ҳолга келди. Бутун-бутун қишлоқлар, шаҳарчалар ер билан теп-текис бўлди. Халок бўлганлар сони ҳали тўла аниқланган эмас. Шу кунгача, ҳисоб-китобларга қараганда, қурбонлар 100 минг кишидан ошиб кетган.

Ернинг силкинишлари нафақат Гужаратда, балки, бутун Хиндистонда сезилди. Мумбаида, Янги Деҳлида одамлар Гужаратдагилардан кам ташвишга тушишмаган. Покистон ва Непалда ҳам зилзиланинг нафаслари сезилиб турган.

Зилзила нималигини биз жуда яхши биламиз. 1966 йилнинг 26 апрель тонготири ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди. Бундай пайтларда чегаралар ҳисобга олинмайди, миллат ажратилмайди, барча ёрдам кўлини чўзишга шайланади. Хиндистонга ҳам Россиядан, АҚШдан, дунёнинг бошқа давлатларидан узлуксиз беминнат ёрдам келиб турибди. Ҳозир Гужарат ўрнида чодирлар шаҳри бунёд бўлган. Бошланасиз қолганларга, ярадорларга энг биринчи навбатда ёрдам кўрсатилмоқда. Айтишларича, шу пайтгача Хиндистон ўзининг муаммоларини ўзи ҳал қилиб келган экан. Лекин, бундай катта миқёсдаги вайрона-

гарчилик, табиий офат ҳали бу юртнинг бошига тушмаган, деб эътироф этилмоқда. Хиндистон ҳукумати жаҳондаги барча давлатларга мурожаат қилиб, кўмак беришларини сўраган.

Она ернинг ҳиммати қанчалар кўп бўлса ҳам, унинг гоҳ-

гоҳ бўлиб турадиган мана шундай қаҳр-ғазаблари ҳам бор. Бу нима учун содир бўлди, деб кизикадиганлар топилади. Ҳамма гап ернинг тўпланиб қолган, жуда катта қудратга эга бўлган қувватнинг ташқарига чиқиб кетиши билан боғлиқ. Худди шундай пайтларда, олимларнинг таъкидлашича, зилзила юз берар, довуллар кўтарилар экан. Наилож, олий қудрат олдида ҳаммамиз ожизмиз. Ҳаммамиз Хиндистон халқига ҳамдардимиз.

## ИШЛАРИ

### МИТТИ РОБОТЛАР РАКСИ

ЯПОНИЯДА инсонга ўхшайдиган роботлар яратиш устида жадал ишлар олиб борилаётгани ҳақида жаҳон матбуотида кўп ёзилган. Чиндан ҳам офисдаги котиба, ошхонада ёрдамчи бўлган миттигина темир одамларни кўз олдингизга келтиринг. Улар ётаржой, ош-нон, энг муҳими ойлик маош талаб қилмай беминнатгина хизмат қилаверишади. Бунга яқинда Японияда бўлиб ўтган техника кўргазмасига борганлар амин бўлишди. Митти одамчалар турли томошалар кўрсатишди, ҳатто футбол ўйнашди. Бўйи 50 сантиметр келадиган роботларни рақс тушганини тасаввур қила



## Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

### ЧАПДАСТ КАМПИР

ПЕРУЛИК Сантьяго Уаман дўкандан чиқиб келаётган кампиршони шилиш пайига тушди. У етмиш ёшли Коринна Сааведранинг халтасини қўлидан тортиб олганда, кампир дод-вой солиб, бировларни ёрдамга чақирмади. Босқинчини икки оёғи орасидаги нозик жойига бошлаб тепди. Йигит шўрлик кўчада то полиция келгунча ихраб-сихраб ётди. Маълум бўлишича, кампирнинг эри япониялик бўлиб, шарқ яккакурашининг усталаридан саналаркан ва бу унарини хотинига ҳам ўргатган экан.

### ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

«Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади». АҚШнинг Огайс штатидаги Вэслэйн университети маъмурияга қутилмаганда каттақон кутича – посилка келди. Уни очиб кўришса, бутхоналарда бўладиган кўнғирокнинг салкам 40 килограммлик «тили» экан. Университет жамоаси ҳанг-манг бўлиб қолди. Қутига хатни ўқиб, роса кулишди. Маълум бўлишича, ўттиз йил аввал бир талаба ошналари билан гаров ўйнаб, кўнғирокнинг «тили»ни ўғирлаб кетган экан. Ўттиз йилдан бери уни виждон азоби қийнаркан. «Энди хотиржам ўхласам бўлади», деб ёзибди собиқ талаба. Ҳозир тилни қандай қилиб кўнғирокқа улаш ҳақида бош қотиришяпти.

## Жаҳон маданияти юлдузлари

### БИР КЕЧАДА ҲАММА СЕВИБ ҚОЛГАН ҚИЗ



Бир кўрган аёлингизни ё унутиб юборасиз ёки бирон воқеа сабаб бўлиб, гоҳ-гоҳида эслаб қоласиз. Лекин, бу аёлни асло

эсдан чиқариб бўлмайди. Чунки йигирма икки йилдан бери ҳар янги йил оқшомида у билан «Тақдир ҳазили ёки қушдек энгил бўлинг» баддий фильми орқали учрашамиз. Бу аёлнинг исми Барбора Брилка.

Дунёда муҳаббатни кадрласа Барбараним кадрлайди. Унинг юраги ҳамиша эзгуликка ташна. Узининг тез-тез эслаб туришича, «Тақдир ҳазили»даги воқеалар айнан унинг тақ-

«Барбора хоним, ассалому алайкум», деб сўрашади. «Тақдир ҳазили» экранларга чиққанидан кейин менинг номим ҳам ўзгариб кетди. Москвага келсам самолёт то ерга кўнгуна, шу фильмдаги мусиқаларни кўяверишади. Учувчилар менга хушомад қилишади, муҳаббат изҳор этишади. Бир гал Ереванга борганимда, сахарда уйғониб кетдим. Меҳмонхонанинг йўлагидан аста-аста юриб бораётган эдим, бир хонанинг эшиги очик экан. Оқсоч аёл кўриб қолиб: «вой Нада-ку!» деб юборса бўладими? Мана шундагина мен шўхрат қанақа эканлигини биринчи бор чинакамига ҳис қилганман. Ҳаётимда 60та фильмда суратга тушган бўлсам ҳам, биронтаси «Тақдир ҳазили»чалик машҳур бўлиб кетмаган. Бу ажойиб кинодраматург Эмил Брагинский ва таърифсиз режиссёр Элдор Рязановнинг хизматлари, албатта. Уларнинг борлиги туфайли мен бир кечада ҳамманинг муҳаббатини қозониб улгурганман.

Польшада ҳам Барбора Брилскани ниҳоятда қаттиқ севишади, қизганишади ҳам. Бир гал Рязанов уни қидириб қолганида, гарчи Польшада бўлса ҳам «Москвага кетган» деб алдашган. Ҳатто, Леонид Якубович олиб борадиган «Мўъжизалар майдони» телеуйинида машина ютиб олганда, унга машина билан Польшага киритмаймиз дейишган. Актриса машинанинг қийматини пул билан олишга мажбур бўлган.

Польшада қизиқ одат бор экан. Бирон мукофотга сазовор бўлсангиз, албатта, катта шоу дастурларга таклиф қилишар, бу билан номингизни машҳури жаҳон айлашар экан. Реклама бўлгандан кейин пул тўлаш керак-да. Бечора мукофот соҳиб-би шу тариқа бор будидан айрилар экан. Қачонки Барбора хоним машинани ютиб олгандан кейин бутун Польшада шов-шув бўлиб кетибди: «Нима дейсан, Брилкага руслар машина совға қилибди. Мана буни муҳаббат дейдилар». Аслида бу ўзаро муҳаббат эди. Хуллас, Барбора қанча мукофот олган бўлса (ҳатто бир яшиқ қаҳвани ҳам кўшишган) ҳисоблашиб, рўйхатини тузишган. Барбарага кўшилари шунча қаҳвани нима қиласиз, сотиб юбормай-сизми, деб маслаҳат ҳам беришибди. Гўзал аёл эса уни сотмай ҳаммани ҳалигача қаҳва билан сийлар экан.

Барбора Брилсканинг орзу-си битта: ўғли эсон-омон, соғ-саломат улғайса бас. Ушанда ҳамма нарса яхши бўлади, деб ният қилади.

Бу йилги янги йил оқшоми ҳам Барбарасиз ўтмади. «Тақдир ҳазили» бошланиши билан ҳаммамиз ойнаи жаҳоннинг атрофига йиғилдик. Мазза қилиб томоша қилдик. Шунда болалардан бири – «Сизнинг сизингиз оқариб кетибди-ю, бу қиз сира қаримаиди-я», деб қолди. Чиндан ҳам йиллар ўтиши билан кўп нарсани бой беради киши. Лекин муҳлисларнинг Барбора Брилкага бўлган муҳаббати ҳамманинг бўлса керак. Балки мана шу муҳаббат уни доимо ёш сақласа, ажаб эмас.

Темур ЙҮЛДОШЕВ.

G'aroyibotlar

## Қисқа сатрларда

### АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

• **Бош котиб Кофи Аннан ўзининг шу ҳафта тарқатилган маърузасида шунини таъкидлади. Унинг фикрича, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечириётган давлатларнинг тараққий этиши кўп жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг молия-бюджет, валюта-кредит, савдо ва ички макроиқтисодий сиёсати-га боғлиқ. Масалан, ривожланаётган давлатларнинг ўз маҳсулотларини четга экспорт қилиш имкониятлари кенгайтирилса, бу уларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатгандан яхшироқ самара бериши мумкин.**

### ДАВЛАТ РАҲБАРНИ АЙБЛАШМОҚДА

• **Яқинда мамлакат парламентининг махсус комиссияси давлатга тегишли жамғармалардан 6 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиши юзасидан ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маърузани халқ вакиллари кенгаши ҳукмига ҳавола қилган эди. Шунда ушбу жиноятга президент алоқадорлиги қайд этилган. Шу ҳафта ичида парламент яқунловчи қарор чиқариши керак.**

### ЕВРОПАДАН ГҮШТ ОЛИШМАЙДИ

• **Барча озиқ-овқат дўконлари ва савдогарларга Европадан олиб келинган гўшларни йўқотиш ёки эгаларига қайтариб бериш буюрилди. Маълумотларга кўра, қувайтликлар ўтган йили ЕИ давлатларидан 1500 бош қорамол сотиб олган. Шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотлари АҚШ, Австралия ҳамда Янги Зеландиядан ҳам харид қилинади.**

### СОХТА ВАЛЮТА КҮПАЙМОҚДА

• **Маҳаллий полициячиларнинг айтишича, ўтган йилнинг ўзида 2 миллион юанга яқин шунақа банкнот мусодара қилинган. Шундай жиноят билан қўлга тушган юзга яқин киши узок муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган.**

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



## Шеърят

## Аёлга Сўз Беринг...

Тарози бўлмаса, тош ҳам керакмас,  
Мақсадинг бўлмаса, бош ҳам керакмас.  
Имонсизга асли Ватан не даркор!?  
Сотқин учун асло сирдош керакмас.

Яшашнинг маънисини йўқолса агар,  
Тириклик куйчиси — баёт ўлади.

Этибор дунёнинг таянч-устуни,  
Этибор сусайса, ҳаёт сўлади.

Магар қонингизда югурик бордир,  
Эзулик ҳақида баралла сўйланг.  
Уйғонсин қалбларда теран бир нигоҳ,  
Аёлга сўз беринг: «Сиз алла куйланг!».

Гулбахор САТТОВА.

## Bolalik bog'i

## TUSHUNARLI

— Tushunarlimi, bolalar? — dedi o'qituvchi.  
Issiqdan jismlar kengayadi, sovuqdan torayadi.  
— Iye, — qichqirib yubordi shunda bir o'quvchi.  
— Shuning uchun qishki ta'tillar qisqa, yozgisi  
uzun bo'lar ekan da!

**РИВОЯТ: Ровийлар бундоқ дебдурлар:**  
Одам Ато яралгандан кейин унинг жисмига  
жон ато этиш хусусида баҳс бўлибди. «Қан-  
доқ килурмиз?» — сўрашибди фаришталар.  
«Жонни нима қилади бу, барибир ўлади-  
ку», дебди Шайтон. «Субҳ-сабони йўлланг»,  
амр қилибди Яратган эгам. Субҳ-сабо шун-  
чалар майин эсибдики, унинг қатларида  
минг бир гиёҳнинг жонбахш бўйлари, мал-  
ҳамларнинг муборак ислари бор экан. Одам  
тирилмабди, Жон унинг жисмига кирмабди.  
Шунда англабдиларки, Жонни эритмоқ,  
ипакдек майин қилиб тобламоқ керак.

ТУРГУН АКАНИНГ ХИКОЯ-  
СИ: Тошкент туманида Алишер  
Навоий номли жамоа хўжали-  
ги бор. Чувалачи кишлоғи ана  
шу ерда. Турғун ака шу ерда  
туғилганлар. Унинг падарибуз-  
руквори Алимат аканинг Чува-  
лачида ҳам, Кўктерак бозори-  
нинг ўртасида ҳам чойхонаси  
бўлар эди. Чойхоналардан соз  
аримасди. Йигит-яланглар  
доим: «юринглар Алимат ака-  
нинг чойхонасига, бир дутор  
эштамиз», деб тўтлашибди  
келиб қолишарди. Бир куни  
Алимат ака дуторини кўлга  
олиб, созлаб турганида Тур-  
ғунбой келиб қолди. Уни икки  
чойхона ўртасидаги хабарчи  
десақ тўғри бўларди.

— Нима гап? — сўради Али-  
мат ака ўғлидан.

— Бозордаги улфатларин-  
гиз дутор чалиб берсин, деб  
айтиб юборишди.

**РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ:**  
«Созандани қақиринг», дебди  
Яратган. Созанда-фаришта  
етиб келиб, Одам Атонинг  
тепасига чўкибди. Унинг ёнида  
қайсарлик билан турган Жон-  
га қараб кўйибди. Созанда  
торларга кўл теккизибди. Тор-  
лар ҳазин куйлай бошлабди.  
Оханглар таралаверибди. Со-  
занда ҳам бора-бора ўзини  
унутибди. У жисми куйга ай-  
ланиб, тор чертармиш. Куй  
авжига чиқиб, сувлар оқишдан  
тўхтаган, шаббода эсмай  
кўйган, кушлар нафасини ичи-  
га ютган паллада Яратган  
Жонга назар ташлабди. У худ-  
ди малҳамдек эриб турган  
эмиш. Амр қилибди: «Одам  
Атонинг жисмига кир!», Жон  
охиста Одам Атонинг танаси-  
дан жой олибди. У акса уриб,  
ўрнидан турибди.

ТУРГУН АКАНИНГ ХИКОЯ-  
СИ: «Муножот» янгради. Йи-  
гитлар унинг оҳангига мос

тебранишарди. Чойлар пиёлада  
совиб қолди. Бу ёруғ жаҳонга  
оҳанг ҳукмрон эди. Турғун йигит-  
ларга қараб кўйди. Бири худди  
ҳайкалдек қотиб қолган, бирининг  
кўзида ёш... Алимат аканинг  
кўллари торларни сайратишдан  
тўхтади. Йигитлар оҳ, деб кўйи-  
шди.

— Мен энди бозорга борай, у  
ердагилар кутиб қолишмасин.

— Ўтган асрнинг 1934 йили-

да Алимат ота ҳаётдан кўз юмди.  
Турғунбойларни тоғаси ўз уйига  
олиб кетди. Она бечора ўзига  
шундай қоладими, деб ўзини  
ўтга, чўкка урди. Охири Тошкент-  
даги Муҳанбойнинг уйида очил-  
ган «ётоғи бор мактаб»га «Тош-  
педрабфак» (Тошкент педагоги-  
ка ишчи факультети)га етаклаб  
келди. Хол-аҳволи тушунтирилди.  
Турғунбой талаба бўлди. Бора-  
бора ишчи факультетидаги му-  
сиқа тўғарагидан бери келмай  
қолди. Ҳа-хув дегунча тўрт йил  
ўтди. Вояга етган Турғунбой ёш  
томошабинлар театрига келди.  
Ишга қираман, деди. Мусиқа  
раҳбари Муҳаммадазиз Ниёзов  
кулиб юборди.

— Бирор нарса чаласанми?  
Турғунбой индамай дуторни  
кўлига олди. Кейин танбурда  
машқ қилди. Охири ғижжакни  
шундай эшиб чалдики, Муҳаммад-  
азиз ака ўрнидан туриб кетди:

— Бўлди, ишга келавер. Сени  
ғижжакчи қилиб оламан.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас XX  
асрни титратган иккинчи жаҳон  
уруши бошланди. Турғун Аलि-  
матов ҳам кўп қатори жангга отлан-

ди. Урушда қанчадан-қанча алам-  
ларни, ўлимларни кўрмади. Йўқ,  
умри узоқ экан. Тўрт маротаба  
ярадор бўлган Турғунбой ака  
1942 йилда Тошкентга кириб  
келди. Уни дарҳол Муқимий ном-  
ли мусиқали театрга ишга тақ-  
лиф қилишди. Беш-олти йилдан  
сўнг Юнус Ражабий билан учра-  
шиб қолди.

— Турғунбой, мақомга келсан-  
гиз, — деди у киши. — Сиз каби  
созандага муҳтожмиз.

Турғун Алиматов рози бўлди.  
То пенсияга чиққунича мақомчи-  
лар дастасида танбур чертди.

**РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ:** «Энди  
бу жисмдан қандоқ чиқаман?», оҳ  
чекибди Жон. «Мендан беамр ҳеч  
нарса бўлмас, — дебди Яратган  
эгам. — Агар эганг яхшилик ила  
умр кечирса, қандай кирган  
бўлсанг шундай жисми тарк  
этасан. Агар эганг Шайтоннинг  
сўзига кирса, унда сен ҳам озор  
кекурсан. Қачонки соз чалинса  
ором топасан». Жон тинчланиб-

## СОЗАНДА

ди. Аммо қачонки одам ёмонлик-  
ка кўл урса, чиқиб кетгудек  
бўлиб, унинг бўғзига тикилар  
экан.

ТУРГУН АКАНИНГ ХИКОЯСИ:  
Ўзбекистон Республикаси муста-  
қилликка эришгач, миллий ме-  
росимизга, асрий қадриятларимиз-  
га муносабат тамоман ўзгарди.  
Неча йиллаб боришни орзу қил-  
ганимиз хориж мамлакатларининг  
ўзи ўзбек санъатининг ошиғига  
айланди. Турғун Алиматов ҳам  
Америкага бориб, барчани тан-  
бурига ром қилиб келди. Чопон-  
ни кийиб, белни маҳкам боғлаб,  
кўлига танбур ушлаб, сахнага  
чиққан созандани улуглағанлар-  
нинг сон-саногии йўқ эди. Ҳар бир  
мусиқа тугаганида Ўзбекистон  
шаънига, ўзбек санъати шаънига  
олқишлар ёғиларди.

— Бир сафар қизик бўлди.  
Турғун аканинг орқасидан қолмай  
юрган йигит охири ёрилди.

— Менга қаранг, уста. Амери-  
када қолақолинг, пул дейсизми,  
уй дейсизми, ҳаммаси бисёр  
бўлади. Фақат рози бўлсангиз  
бас. Турғун ака индамай сафар  
халтасидан икки-уч дона бури-



шиброқ қолган, лекин ҳиди  
анкиб турган олма олди. «Хов-  
лимдаги дарахтдан», деди у.  
Йигит ҳеч нарсага тушунмай  
олмадан биттасини олиб, тиш-  
лади. «Қалай?» сўради Турғун  
ака. «Ширин экан», деди йи-  
гит. «Сенинг пулларингни ҳам,  
уйларингни ҳам мана шу бу-  
ришган олмага алишмайман»,  
деди созанда. Йигит бошини  
сарак-сарак қилиб чиқиб кет-  
ди. Эртасига бўлган концерт-  
да у «Роҳат», «Чўли Ироқ»,  
«Танбур навоси», «Муножот»ни  
шундай берилиб чалдики, асти  
кўйверасиз. Ким билсин, боя-  
ги йигит ҳам шу ерда бўлса-ю,  
куйларни эшитиб ичи узилиб  
кетган бўлса ажаб эмас.

Турғун Алиматовга Ўзбеки-  
стон халқ артисти унвони бе-  
рилганида, Президентимизнинг  
қўлидан «Буюк хизматлари  
учун» орденини олганида бир  
у киши эмас, бутун санъат их-  
лосмандлари, созанданинг мух-  
лислари қувонишди. Бу санъат-  
нинг, сознинг, созанданинг  
озод Ватанимизда топаётган  
қадридан бир лавҳа холос.

**РИВОЯТНИНГ ОХИРИ:** Со-  
занданинг қулоқларига майин  
сас эшитилибди: «Сен энг та-  
баррук касб эгаси бўлурсан.  
Бугундан бошлаб оҳанг сенинг  
йўлдошинг бўлур. Сен одам-  
дан бир лаҳза айрилмассан.  
Шундай қилгинки, одам шод-  
лигида ҳам, қайғусида ҳам  
оҳанг билан бирга бўлсин.  
Унинг жонига ором этиб тур-  
син. Сенинг жойинг эса энг  
тўрда бўлур». Созанданинг ҳур-  
мати дилда, мақтов тилда  
бўлиши шундан, дейишади.

Темир УБАЙДУЛЛО.

## Яшил майдонда нима гап?

## НАВБАТ БОЛГАРИЯГА

Миллий терма жамоамиз  
февраль ойида Болгарияга  
сафар уюштиришни режалаш-  
тирди. Болгариянинг Албена  
шаҳрида 4-14 февраль кунла-  
ри иккинчи бор аънавий  
«Албена мобилтел — 2001»  
турнири ташкиллаштилган.  
Ушбу турнирнинг ўтган йилги  
илк мусобақасида «Дўстлик»  
жамоаси чемпион сифатида

қатнашган эди. Бу йилги мусо-  
бақага саккиз давлатдан вакил-  
лар тақлиф этилган. Улар ичи-  
да Болгария ва Арманистон  
миллий терма жамоалари  
ҳамда шарқий Европанинг куч-

ли клублари ҳам иштирок эта-  
ди.

Гарчи мусобақалар 14 феврал-  
да ўз ниҳоясига етсада, терма  
жамоамизнинг сафар чоғида тур-  
нирдан ташқари Албенада ўқув

машғулотларини олиб бораёт-  
ган Озарбайжон ҳамда Белорус-  
сия терма командалари билан  
ўртоқлик учрашувлари ўтказиши  
ҳам кўзда тутилган. Ҳамюртла-  
римиз Болгариядан сўнг ҳал  
қилувчи машғулотларни давом  
эттириш учун Германияга таш-  
риф буюришади.

**TOSHKENT HAQIQATI**  
Муассис:  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
хатлар ва оммавий ишлар  
бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-40-48, 136-57-27.

**Манзилнинг:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республи-  
каси Давлат матбуот  
қўмитасида № 8  
рақам билан рўйхатга  
олинган

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.